O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

# ХАЛҚ СЎЗИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2000 йил 18 январ сешанба

Сотувда эркин нархда
№ 12 (2309)

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Марказий сайлов комиссияси иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессияси биринчи мажлисининг очилиши тўғрисида қарор қабул қилди.

Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлиси 2000 йил 22 январ куни эрталаб соат 10 да Тошкент шаҳрида Олий Мажлиснинг мажлислар залида очилади.

Ушбу қарорга мувофиқ, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатларини рўйхатга олиш ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг ва депутатлар блокларининг йиғилишларини ўтказиш 2000 йил 21 январ кунига белгиланди.

### Олий Мажлис сессияси олдидан
## ИШЧИ ГУРУҲИ ЙИҒИЛИШИ

Аввал хабар қилганимиздек, иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича депутатлар ишчи гуруҳи тузилиб, унинг таркибига сиёсий партия депутатлик фракцияларининг ҳамда депутатлик блокларининг раҳбарлари киритилган эди.

17 январ куни ушбу гуруҳнинг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни гуруҳ раҳбари, Олий Мажлис депутати А. Турсунов олиб борди. Йиғилишда парламент мажлисини уюшқоқлик билан ўтказиш ҳамда у билан боғлиқ ташкилий тадбирларни амалга ошириш учун масъул бўлган тегишли вазирликлар ва идораларнинг раҳбарлари ҳам иштирок этдилар.

Йиғилиш аҳли иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясининг биринчи мажлисини ўтказиш юзасидан ташкилий ва техник тадбирларни тасдиқлади ҳамда вазифаларни ўзаро тақсимлаб олди. Ишчи гуруҳи ўз фаолиятини сессия тугагунга қадар изчил давом эттириши қайд этиб ўтилди.





## ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

15 январ куни иккинчи чақириқ Халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг биринчи сессияси бўлиб ўтди. Унда республика вазирлик, идора ва ташкилотлари раҳбарлари, вилоятдан сайланган Олий Мажлис депутатлари, вилоят бошқармалари бошлиқлари, туман ҳокимлари иштирок этди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Давлатимиз раҳбари республикамизнинг ҳар бир вилоятида эришилаётган ютуқлар ҳам, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам, энг аввало, шу вилоят раҳбарлари, маҳаллий кенгаш депутатларининг ташкилотчилиги, ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, қатъиятлилиги ва мардлиги билан бевосита боғлиқлигини қайд этди. Кейинги таҳлиллар вилоятда ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида сезиларли ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда.

Ислом Каримов таъкидлаганидек, сўнгги йилларда вилоятда саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш соҳаларида, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш, янги иш ўринлари ташкил этиш, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш борасида жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Вилоят муттасил равишда пахта ва дон топшириш шартнома режаларини бажармай келаётгани, корхоналарда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми камайиб кетгани, қурилиши якунланмаган иншоотлар сони ортаётгани, ишсизлар кўпаётгани бунинг далилидир.

Йўлбошчимиз вилоят саноати ва қишлоқ хўжалигидаги бундай ҳолатнинг асосий сабабларидан бири, аввало, мулкка муносабатнинг ўзгармаётганида, хусусан, буйруқбозлик тизими сақланиб қолганида, ер ўзининг ҳақиқий эгасини топмаётганида эканлигига эътиборни қаратди.

Сессияда сўзга чиққан Қува тумани "Обидов" жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Оминахон Исроилова, Марғилон шаҳар "Ёшлик" савдо-ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Анвар Мирзаев, Қўқон шаҳар "Мастона" ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамияти раиси Адҳам Алимов, Қиргули тумани ҳокими Виктор Белоногов, Олтиариқ тумани "Нуробод" жамоа хўжалиги бўлим бошлиғи Лолахон Муродова, Ўзбекистон Қаҳрамони, Тошлоқ тумани Х.Марозиқов номидаги жамоа хўжалиги бригада бошлиғи Комилжон Мамажонов, Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонова, Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Эркин Воҳидов ва бошқалар Юртбошимиз маърузасида кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш барча даражадаги раҳбарларнинг бурчи эканлигини таъкидладилар.

Сессияда ташкилий масала кўриб чиқилди.

Н.Мўминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Фарғона вилояти ҳокими вазифасидан озод этилди.

Президент Ислом Каримовнинг тавсиясига биноан депутатлар вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари вазифасида ишлаб келган Алишер Отабоевни Фарғона вилояти ҳокими этиб тасдиқладилар.

Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг тавсиясига кўра қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари лавозимида ишлаб келган Ҳамид Йўлдошев вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари этиб тасдиқланди.

**Беҳзод УСМОН,**
**Расулжон КАМОЛОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**
**СУРАТЛАРДА: вилоят Кенгаши сессияси пайти.**
**М. АМИН, Ш. ОЛИМОВ олган суратлар.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*
### А.А.Отабоевни Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддасининг 12-банди ва 102-моддасига мувофиқ Алишер Абдужалилович Отабоев Фарғона вилоятининг ҳокими этиб тайинлансин.

Ушбу масала вилоят Кенгашининг тасдиғига қўйилсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 январ.

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*
### Н.Ш.Мўминовни Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилиш тўғрисида

Нўмонжон Шодиевич Мўминов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан Фарғона вилоятининг ҳокими вазифасидан озод қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2000 йил 15 январ.

# ХАЛҚ ДАРДИ БИЛАН ЯШАЙЛИК

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли дўстлар!

Ҳурматли депутатлар!

Энг аввало, сизларни демократик тамойиллар асосида ўтган сайловларда Фарғона вилояти аҳли ишончини қозониб вилоят Кенгаши депутатлигига сайланганингиз билан чин юракдан табриклайман.

Ҳаммангизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат, халқ фаровонлиги йўлидаги ишларингизда омад тилайман.

Ушбу фурсатдан фойдаланиб, мен сизларга олдин ҳам айтган бир ҳақиқатни эслатиб қўймоқчиман: **депутат зиммасига жуда катта вазифа ва масъулият юклатилган.** У вилоятдаги ижтимоий муҳитга фаол таъсир кўрсатмоғи, вилоят раҳбарларининг, жумладан, ҳокимнинг ҳам фаолиятини назорат қилиши, ҳокимликнинг ишини холисона баҳолаб, камчилик ва нуқсонлар ҳақида рўйи-рост гапириши, буларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш масалаларида намуна бўлмоғи лозим.

**Депутатни халқ сайлайди.** Халқнинг, сайловчиларнинг ишончини оқлаш, улардан, авваламбор, ҳақиқий юртпарварликни, ҳалол, фидойи бўлишни, ҳузур-ҳаловатдан воз кечишни, одамларнинг оғирини енгил қилиш, аҳволидан хабардор бўлиш, тақдирига куйинчаклик билан ёндошиш, лўнда қилиб айтганда, том маънода **халқ дарди билан яшашни талаб этади.**

**Биз XX1 аср арафаси ва унинг дастлабки йилларида мамлакатимизни ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқдик,** ислоҳотларни чуқурлаштириш ва жамиятни янгилаш борасидаги устувор йўналишларни аниқ-равшан белгилаб олдик.

Бу устувор йўналишларнинг барчасини ўзига қамраб олган энг муҳим вазифа — **мамлакатимиз сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилиши жараёнларини янада эркинлаштиришдан иборатдир.**

Бу — аслида давлат қурилишида бошқариш ишларини ва маълум даражада ваколатларни аста-секин марказдан пастдаги бошқариш бўғинларига бериш, шунинг ҳисобидан уларнинг фаоллигини ошириш, шу жумладан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари ва ҳокимликлар, фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари, аввало, маҳалла тузилмалари, шунингдек, жамоат тузилмалари ваколатларини босқичма-босқич амалга ошириш ва уларга кўпроқ ишонч билдириш, деган маънони ифодалайди.

Албатта, марказий давлат тузилмалари, ҳукумат, тегишли вазирликлар тасарруфида ўзига хос муҳим вазифалар қолаверади. Шу жумладан, конституцион тузумни, мамлакатнинг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини, унинг сарҳадларини ҳимоя қилиш, юрт хавфсизлигини сақлаш, ҳуқуқ-тартибот ва мудофаа қобилиятини, молия-банк, пул муомаласини таъминлаш, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулк эгаларининг ҳуқуқларига, иқтисодий фаолият эркинлигига кафолат бериш, самарали ташқи сиёсат олиб бориш каби вазифалар ва бир қатор стратегик аҳамиятга молик масалалар қолиши, табиийдир.

Лекин бир нарсага аминман: маҳалла жамоаларига, унинг муаммо ва ташвишларига яқин бўлган идора ва ташкилотларга кўпроқ суяниш ва таяниш керак. **Бу стратегик сиёсатимизнинг қатъий йўналиши бўлиши муқаррар.**

Шуни ҳам холисона тан олишимиз керакки, бугунги кунда маҳаллий ҳокимият вакиллик органларига ва ҳокимликларга ўз ҳудудларини иқтисодий, ижтимоий ва маданий ривожлантириш соҳасидаги амалий фаолият олиб бориш учун берилган зарур ҳуқуқлардан самарали фойдаланиш хақида кўп гапиришимиз мумкин. Ҳар қандай эркинлик замирида катта масъулият ҳам борлигини сизлар яхши тушунасизлар, деб ўйлайман.

Демоқчиманки, республикамизнинг ҳар бир вилоятида эришилаётган ютуқлар ҳам, йўл қўйилаётган камчиликлар ҳам, энг аввало, шу вилоят раҳбарлари, маҳаллий Кенгаш депутатларининг ишбилармонлиги, ташаббускорлиги, изланувчанлиги, юртпарварлиги, керак бўлса, **қатъиятлилиги ва мардлиги билан бевосита боғлиқдир.**

Муҳтарам дўстлар!

Ёдингизда бўлса, бундан уч йил муқаддам — 1997 йил 14 февралда бўлиб ўтган вилоят Кенгашининг сессиясида иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга ҳалақит бераётган сабаблар ҳақида очиқ гаплашиб олган эдик.

Шунингдек, бир ой муқаддам шу ерда ўтган сайловолди учрашувида ҳам Фарғона аҳлининг амалга ошираётган ижобий ишлари, мамлакат тараққиётига қўшган муносиб ҳиссасини таъкидлаш билан бирга, ўз вақтида ҳал этилмаган ва ҳаммамизни ташвишлантираётган бир қатор муаммолар мавжудлиги, уларни батафсил ўрганиб, таҳлил қилиш ва ечимини топиш зарурлиги хусусида тўхталиб ўтган эдим.

Кейинги таҳлиллар вилоятда ислоҳотларнинг изчиллигини таъминлаш, самарадорлигини ошириш, одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш борасида **сезиларли** ўзгаришлар рўй бермаганини кўрсатмоқда.

Ўйлайманки, бугун бундай вазиятдан чиқишнинг, вилоят иқтисодий-ижтимоий ривожланишини таъминлашнинг йўлларини қидириш, мавжуд имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш, бир сўз билан айтганда, ишимизнинг самарасини ошириш — барчамизнинг, шу юртда яшаётган инсонларнинг, аввало, халқимиз ишонган депутатларнинг бурчидир.

Имкониятлар ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, қуйидаги масалаларга алоҳида тўхталиб ўтишимиз керак деб ўйлайман.

Аввало, аҳолиси кўп ва тиғиз, ер майдони чекланган Фарғона вилояти учун ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этишнинг асосий йўлларидан бири, **бу — саноатни бутун чоралар билан ривожлантиришдир.**

Афсуски, ҳозирги пайтда мавжуд саноат корхоналарининг ишлаб чиқариш қувватларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти. Оқибатда ўтган йили 12 та йирик саноат корхонасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 582 миллион сўмга, 11 та саноат корхонасида халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ҳажми 286 миллион сўмга пасайиб кетди.

Бу ҳолни Қувасой шаҳридаги "Кварц" ҳиссадорлик жамияти, Фарғона фуран бирикмалари ва сунъий тола заводлари, Учкўприк ва Бувайда туманларидаги тикув-трикотаж, йигирув-тўқув ҳиссадорлик жамиятлари ва "Ўзсаламан" қўшма корхонаси мисолида ҳам кўрамиз.

Нефт-ёнилғи материаллари, маъданли ўғит, кимёвий тола, қурилиш ашёлари, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ҳам ўтган йилларга нисбатан анча камайди. Ҳатто республикада тилга тушган "Ўзсаламан" қўшма корхонасида пойафзал ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 17 фоиз пасайди.

5 та саноат корхонаси ўтган йилни жами 653 миллион сўм иқтисодий зарар билан якунлади. 1 миллиард сўмдан ортиқ миқдордаги тайёр маҳсулот омборларни банд қилиб ётганининг ўзи ҳам бир қатор саноат корхоналари раҳбарлари бозор талабларини ҳисобга олмасдан, ҳамон эскича услубда ишлаб келаётганидан далолат беради.

**Энг ачинарлиси шундаки, бир қатор саноат корхоналари ва ҳиссадорлик жамиятларида мулк шакли ўзгарди, аммо раҳбарларнинг фикрлаш тарзи ўзгармасдан қолди.** Ахир акцияларни сотиш ҳисобига корхоналарга янги технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга эътиборсизлик билан қаралаётгани, вилоят бўйича ҳозиргача 400 миллион сўмлик акциялар сотилмай ётгани учун ким жавоб беради?

Вилоятда чет эл сармояларини жалб қилиш, **қўшма корхоналар ташкил этиш соҳасида ҳам жиддий камчиликлар мавжуд.** Ҳозиргача **9 та туманда бирорта қўшма корхона очиш режалаштирилмагани** ҳам буни кўрсатиб, турибди.

Рўйхатдан ўтган 59 та қўшма корхонанинг 38 тасигина фаолият кўрсатяпти, холос.

Ишбилармон ва тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, уларга қулай шарт-шароит яратиб бериш, имтиёзли кредитлар билан таъминлашга ҳам етарли эътибор берилмаётир. Натижада вилоят бўйича рўйхатдан ўтган 14 минг 317 та кичик ва ўрта бизнес корхоналарининг 6,5 мингтаси турли сабаблар билан тугатилган, 1 минг 644 таси вақтинча фаолият кўрсатмаяпти.

Ишлаб турган бундай корхоналарнинг кўпчилиги эса ишлаб чиқариш билан эмас, балки кўпроқ савдо-сотиқ ишлари билан шуғулланмоқда.

Қадрли биродарлар!

Биз аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида кўп гапирамиз. Лекин вилоят бўйича янги иш жойларини ташкил этиш ҳамон энг асосий ва долзарб муаммолардан бири бўлиб турибди. Бу масалани ҳал этишга мутасадди ташкилотлар жиддий эътибор бераётгани йўқ. Вилоятда 1999 йили бор-йўғи 31 минг иш жойи ташкил этилди, холос. Ҳолбуки, бу ерда ишсизлар сони амалда бундан бир неча баробар кўп.

**Яна бир ачинарли ҳол.** 1998 йилга нисбатан умумтаълим мактаблари, тиббиёт муассасалари қурилиши икки баробар, қишлоқларга газ тармоқларини ўтказиш эса 15 фоиз камайган. 1996-2000 йилларга мўлжалланган қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш дастури бўйича белгиланган Охунбобоев, Ёзёвон, Сўх туманларида газ тармоқларини тортиш режаси зўрға 50-80 фоиз атрофида бажарилди.

Вилоятда кўп йиллардан бери қурилиши тугалланмаган 127 та объект мавжуд. Шундан 26 таси соғлиқни сақлаш, 29 таси эса халқ таълими муассасалари эканлиги ачинарли ҳол.

Ҳурматли депутатлар!

Қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз иқтисодиётидаги ўрни қанчалик юксаклиги тўғрисида гапириб ўтириш ортиқча, деб ўйлайман. Бу соҳа вилоят иқтисодиётининг ҳам асосий тармоғи ҳисобланади.

Лекин қишлоқ жойларда ислоҳотларни чуқурлаштириш борасида қабул қилинган ҳуқуқий ва меъёрий ҳужжатларнинг етарли даражада ҳаётга татбиқ этилмаётгани, **мулкка эгалик масалалари ўз ечимини топмаётгани,** деҳқонлар меҳнатини хўжалик фаолиятининг пировард натижалари билан боғлайдиган иқтисодий механизм амалда қўлланилмаётгани, **айниқса, моддий манфаатдорлик тамойиллари бузилаётгани** қишлоқ хўжалиги ривожига жиддий тўсқинлик қилмоқда.

Афсуски, вилоят ҳокимлиги, бу соҳага мутасадди раҳбарлар замон талабини ҳис этмаяптилар. Буни қуйидаги ҳолатлар ҳам тасдиқлаб турибди.

**Сўнгги тўрт йилда энг асосий тармоқ — пахтачиликда шартнома режаларини бажармаслик вилоятда одат тусига кирди.** 1996 йили бу кўрсаткич 80,3 фоизни, 1997 йили 98 фоизни, 1998 йили 77,5 фоизни, 1999 йили 85,7 фоизни ташкил этди. **Вилоят бўйича ўртача ҳосилдорлик беш йил давомида 4 центнерга пасайди.**

Ўтган хўжалик йилида пахтачилик билан шуғулланадиган 14 та тумандан атиги 2 таси — Олтиариқ ва Фарғона туманларигина шартнома режасини бажарди, холос.

**Бир хил шароит ва имкониятга эга бўлган қатор туманларда ҳосилдорликнинг пасайиши** нохуш анъанага айланиб бораётгани жуда ачинарли ҳолдир. 1997 йили ҳар гектар майдондан 28-31 центнердан ҳосил олган Бувайда ва Данғара туманларида ўтган йили ҳосилдорлик 22-23 центнерга тушиб қолди.

**Вилоятда сўнгги йилларда дон етиштириш ҳам сезиларли даражада камайиб кетган.** Дон етиштириш режаси 1996 йили 89, 1997 йили 91,7, 1998 йили 83,2, 1999 йили эса 75,8 фоиз бажарилди, холос. Беш йил давомида суғориладиган майдонлардан олинаётган дон ҳосилдорлиги гектарига 33-37 центнердан ошмаяпти. Ёзёвон ва Риштон туманларида эса бу кўрсаткич атиги 25-27 центнерни ташкил этмоқда.

Бунинг асосий сабабларини агротехника тадбирларининг ўз вақтида ўтказилмаслиги, ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланмасдан, шўри ювилмасдан, уларни экишга тайёрламасдан уруғ сепилаётгани, техника воситаларининг ўрим-йиғим мавсумига ўз вақтида сифатли ҳозирлаб қўйилмаганидан излаш керак.

Бу ҳақда доимо куйиниб гапирамиз. **Лекин аҳвол ўзгармаяпти.** Бир қатор туманларда ўтган йилларнинг хатоларини такрорлаш давом этмоқда. Бағдод, Сўх, Бувайда, Данғара, Тошлоқ, Ўзбекистон туманларида кузги дон экиш ишлари сабабсиз равишда чўзиб юборилганига нима деса бўлади?

**Катта имкониятлар борлигига қарамасдан вилоятда картошка, сабзавот етиштиришда ҳам сезиларли ўзгариш бўлмаяпти,** мева етиштириш 1995 йилга нисбатан 2 ярим баробар, узум етиштириш эса 6,5 минг тоннага камайиб кетган.

**Пиллачиликни ривожлантиришга ҳам етарли аҳамият берилмаяпти.** Оқибатда ўтган йили 1995 йилга нисбатан 1600 тонна кам "кумуш тола" тайёрланди. Шу муносабат билан сизларнинг эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

**(Давоми 2-бетда).**

# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Президент Ислом Каримов Жаноби Олийлари!

Ассалому алайкум!

Президент сайловларида эришган муваффақиятингиз ва иккинчи муддатга бошқарув ваколати берилганлиги муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ва Сиз орқали мўътабар Ҳукуматга ва биродар халққа Фаластин халқи ва унинг Раҳбарияти номидан, шунингдек, шахсан ўз номимдан ғоят самимий биродарлик қутловларини ҳамда эзгу, дўстона тилакларни изҳор этиш менга мамнуният бахш этади. Бу ғалаба халқингизнинг Сизга бўлган ишончидир.

Юксак тараққиёт ва фароғатга хизмат қиладиган масъулиятли вазифаларни ҳал этишингизда, шунингдек, халқингизга раҳнамолик қилишингизда омад ёр ва мададкор бўлишини Яратгандан сўраб қоламиз.

Биз, фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ва халқларимизни боғлаб турган мустаҳкам биродарлик алоқалари учун Сизга ўз миннатдорлигимизни изҳор этамиз. Сизга яна шуни ишонтириб айтамизки, биз бу алоқаларни ривожлантиришга ҳамда юқори даражага кўтаришга муттасил ҳаракат қиламиз ва бундан манфаатдормиз. Бу эса ўзаро саодат ва иккала томон манфаати йўлида хизмат қилади.

Айни вақтда биз Фаластин халқининг ўз миллий ҳуқуқларини, энг аввало, ўз тақдирини ўзи белгилаш ва Мустақил Фаластин Давлатини барпо этиш ҳуқуқини қайта тиклаш йўлидаги адолатли курашида уни қўллаб-қувватлашдан иборат қатъий ирондангизни юксак баҳолаймиз.

Сиз, Жаноби Олийларига шу муносабат билан яна бир бор дўстона биродарлик қутловларимни изҳор этаман. Сизга мустаҳкам соғлиқ ва омад, биродар халқингизга ҳамда мамлакатингизга тараққиёт ва равнақ тилайман.

**Ёсир АРАФОТ,**
**Фаластин Давлати Президенти,**
**Фаластин Озодлик Ташкилоти Ижроия Қўмитасининг Раиси,**
**Фаластин Миллий Маъмуриятининг Раиси.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб янги муддатга сайланганингиз билан сидқидилдан муборакбод этаман.

Мамлакатларимиз ўртасида ҳурмат ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган анъанавий дўстона муносабатлар муваффақиятли ривожланиб, мустаҳкамланиб бораверишига ишончим комил.

Имкониятдан фойдаланиб, ўзингиз учун қулай бўлган вақтда расмий ташриф билан Беларус Республикасига келиш тўғрисидаги таклифимни тасдиқлайман.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, бахт-саодат, Ўзбекистонни равнақ топтириш йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар, мамлакатингиз халқига эса тинчлик ва омонлик тилайман.

Эҳтиром ила,

**Александр ЛУКАШЕНКО,**
**Беларус Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Жаноби Олийлари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз муносабати билан Корея Республикаси Ҳукумати ва бутун корейс халқи номидан муборакбод этиш шарафига муяссарман.

Ишончим комилки, Ўзбекистон Республикаси Сизнинг раҳбарлигингизда бундан буён ҳам жамиятни демократиялаш ва бозор иқтисодиётини мустаҳкамлаш йўлидан фаол ривожланиб бораверади. Шунингдек, Сиз Марказий Осиё минтақасида тинчлик ва хавфсизликни сақлаш ишига яна ҳам кўпроқ ҳисса қўшишингизга аминман.

1992 йилда икки томонлама дипломатия муносабатлари ўрнатилгандан кейин давлатларимиз ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ҳамда маданий алоқалар ўзаро ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик асосида уйғун ривожланиб бормоқдаки, бу ҳол қониқиш ҳиссини уйғотади. Жаноби Олийлари, янги XX1 асрни қаршилай туриб, биз Сиз билан бирга давлатларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ишига яна ҳам кўпроқ куч-ғайрат сарфлашимизга ишонаман.

Берилган имкониятдан фойдаланиб, Сизга чин қалбдан мустаҳкам соғлиқ, Ўзбекистон Республикасига эса барча йўналишларда муттасил тараққиёт топиб боришини тилайман.

**Ким Дэ ЖУНГ,**
**Корея Республикаси Президенти.**

* * *

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент Жаноблари,

Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига қайта сайланганингиз билан муборакбод этишга ва шу муносабат билан бутун Ўзбекистон халқи бахт-саодати йўлидаги машаққатли фаолиятингизга бундан буён ҳам муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Сайловдаги ғалабангиз танлаб олинган иқтисодий ва сиёсий ўзгартишлар йўлининг тўғрилигини ҳамда Ўзбекистон халқи умум эътироф этган демократия қадриятларига содиқлигини яна бир бор тасдиқлаб турибди.

Латвия Ўзбекистоннинг ички сиёсий, шунингдек ташқи сиёсий ривожланишини эътибор билан кузатиб бормоқда. Шуни мамнуният билан қайд этмоқчиманки, Ўзбекистон Ҳукуматининг вазмин сиёсати ва Сизнинг шахсий ҳиссангиз туфайли барқарорликка эришишга, ўзининг халқаро иқтисодий ва сиёсий жараёнлардаги иштирокини фаоллаштиришга муваффақ бўлди.

Ишончим комилки, Ўзбекистон халқи эришилган ютуқлардан қониқиш ҳосил қила олади. Латвия Ўзбекистоннинг минтақада, шунингдек умуман халқаро майдонда ҳам барқарорлик ва хавфсизликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолайди.

Латвия Республикаси билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар ҳар иккала давлат манфаатлари йўлида бундан буён ҳам ривожланиб боравершига ишонаман.

Президент Жаноблари, пировардида Сизни яна бир бор мана шу юксак лавозимга сайланганлигингиз билан муборакбод этишга, шунингдек Сизга сиҳат-саломатлик ҳамда мамлакатни ва Ўзбекистон халқини равнақ топтириш манфаатлари йўлида бундан буёнги ишларингизга зафарлар тилашга ижозат бергайсиз.

Эҳтиром ила,

**Вайра ВИКЕ-ФРЕЙБЕРГА,**
**Латвия Республикаси Президенти.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ:

***(Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 1999 йил 1 декабрдан 31 декабргача бўлган маълумот)***

## I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Банкрот корхона ёки унинг мулкини бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан сотиш тартиби. *ЎзР Макроиқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита томонидан тасдиқланган ҳамда Олий хўжалик суди, Молия вазирлиги, Марказий банк билан келишилган.*

***1999 йил 1 декабрда 843-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

2. Депозитар ҳисоб ва ҳисоботнинг ягона қоидалари (стандартлари). *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 1 декабрда 844-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

3. Тижорат банкларида давлат қисқа муддатли облигациялари билан операциялар бўйича бухгалтерия ҳисобининг муваққат тартибига 2-сонли ўзгартиришлар. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 1 декабрда 523-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

4. Ишончли вакил тўғрисида низом. *ЎзР Макроиқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари бўйича қўмита томонидан тасдиқланган ва Олий хўжалик суди билан келишилган.*

***1999 йил 9 декабрда 845-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

5. Сармоялар лойиҳаларининг техник-иқтисодий асосномаларини Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлигида кўриб чиқиш тартиби. *ЎзР Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги томонидан тасдиқланган ва ВМнинг Инвестиция дастурлари Департаменти билан келишилган.*

***1999 йил 9 декабрда 846-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

6. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига 3-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 9 декабрда 773-3-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

7. Депозитар фаолият тўхтатилганда ва тугатилганда депозитарийнинг фаолияти тартиби. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган ва Марказий депозитарий билан келишилган.*

***1999 йил 10 декабрда 847-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

8. Ваколатли давлат органининг Марказий депозитарий билан ўзаро фаолияти тартиби. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган ва Марказий депозитарий билан келишилган.*

***1999 йил 10 декабрда 848-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

9. Бюджетга қарашли ташкилотларнинг харажатлар сметаси ва мансаб жадвалларини Молия вазирлигида ҳамда молия органларида рўйхатдан ўтказиш тартиби. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 13 декабрда 849-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

10. Ижтимоий соҳа ташкилотлари бўйича 2000 йил учун бюджетдан молиялашнинг вақтинчалик меъёрлари. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 13 декабрда 850-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

11. Фойдаланиш зарурияти ва технология эҳтиёжлари учун талаб қилинадиган техник спирт ҳажми тўғрисидаги «Ўздавстандарт» хулосасини олиш учун юридик шахсларни текширувини ўтказиш қоидалари. *«Ўздавстандарт» томонидан тасдиқланган ва «Ўзкимёсаноат» корхоналари уюшмаси билан келишилган.*

***1999 йил 13 декабрда 851-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

12. Тижорат банклари томонидан хўжалик субъектларига иш ҳақи учун кредит бериш тартиби тўғрисидаги низомга 2-сонли қўшимча. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 14 декабрда 766-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

13. Юридик шахслар томонидан касса операцияларини амалга ошириш қоидаларига 2-сонли қўшимча. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 14 декабрда 565-2-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 9 октябр 230-сонли Давлат бюджети харажатларининг иқтисодий таснифи ва 2000 йил учун бюджет бланкаларининг асосий кўрсаткичларини тасдиқлаш тўғрисидаги буйруғи. *ЎзР Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 15 декабрда 853-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

15. Ўзбекистон Республикаси банкларида очиладиган банк ҳисобварақлари тўғрисидаги йўриқномага 4-сонли қўшимча. *ЎзР Марказий банки томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 15 декабрда 539-4-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

16. Хусусийлаштириш инвестиция фондларида бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботи тўғрисидаги низомга 1-сонли ўзгартириш ва қўшимчалар. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ва Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган.*

***1999 йил 15 декабрда 454-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

17. Марказий депозитарийнинг савдо ва ҳисоб-китоб-клиринг тизимлари билан ўзаро фаолияти тартиби. *ЎзР Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан тасдиқланган ҳамда Марказий депозитарий, "Тошкент" Фонд биржаси, "Элсис Клиринг" ҳисоб-китоб-клиринг Палатаси билан келишилган.*

***1999 йил 16 декабрда 854-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди.***

